



ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КЕНГ ИМКОНИАТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Муминов Музаффар Эркинович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Тошпўлатова Зилолаҳон Акмалжон қизи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8166511>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2023

Accepted: 15th July 2023

Online: 19th July 2023

KEY WORDS

Тадбиркор, тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик субъектлари, тадбиркорлик объектлари, локомотив, хусусий сектор, субсидия, лицензия, кўчмас мулк, кўчмас мулк объектлари, бренд, экспорт, импорт, валюта, имтиёзли кредитлар.

ABSTRACT

Мақолада муаллиф томонидан бугунги кунда давлатимизнинг тадбиркорлик фаолиятига эътибори, тадбиркорларга яратиб берилган имкониятлар ва қулай шарт-шароитлар, қонунчиликка киритилаётган тадбиркорларнинг кенгайтирилган ҳуқуқлари, президентимиз томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар батафсил ўрганилиб, бугунги ислоҳотларнинг натижаси ва статистик маълумотлар атрофлича таҳлил қилиниб, мазкур масалада назарий ҳамда амалий хулосалар ёритиб ўтилган.

КИРИШ

Муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев лавозимларига киришган илк кунларидан буён эътибор қаратган соҳаларидан бири бу – тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганларидек: “Ҳеч шубҳасиз, кейинги йилларда сизлар (тадбиркорлар) иқтисодиётимиз ва ислоҳотларимиз таянчига ҳамда локомотивига айландингиз, деб айтишга барча асосларимиз бор. Сиз каби ишнинг кўзини биладиган, ишбилармон юртдошларимиз тимсолида биз том маънодаги янги Ўзбекистон бунёдкорларини кўрамиз.”

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келишини таъкидлаш лозим. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда 6 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшларимиз меҳнат қилаётгани, унинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ортиб бораётганини кўрсатади. Кейинги 5-6 йилда тадбиркорлар учун кредит ва субсидия олиш, лицензия, кўчмас мулк ва ресурсларга эга бўлиш, экспорт каби масалаларда кўплаб янги имкониятларни яратилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хом-ашё бўйича мавжуд чекловлар, тўсиқ ва ғовларнинг аксариятига барҳам берилди. Энг асосийси, эл-юртимиз ўртасида ва давлат идораларида тадбиркорларга нисбатан муносабат ўзгарди, жамиятда уларнинг обрўси ва мавқеи кун сайин тобора ортиб



бормоқда. Натижада ички ва ташқи бозорда ўз мустақкам ўрнига, нуфузи ва брендига эга бўлган ҳақиқий тадбиркорларимиз синфи шакллана бошланди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бизга маълумки, мустақилликка эришгач ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар тизимли, босқичма-босқич амалга оширилди. Мазкур ислоҳотлар натижасида жамиятда оила институтининг ўрни ва нуфузини юксалтириш ҳамда шахсининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза этишга қаратилган ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, оила - жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади, у жамият ҳамда давлат томонидан муҳофазада бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги мустақкамлаб қўйилган. Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.

Оилавий тадбиркорлар билан биринчи навбатда маҳалла профилактика инспекторлари иш фаолиятини ташкил этади. Тадбиркорларнинг ўз иш фаолиятларини йўлга қўйишлари, эркин ва қулай меҳнат шароитлари билан таъминланиши, ишчи кучини жалб этиш ва тадбиркорларнинг бошқа ҳуқуқларига амал қилинишини профилактика инспекторлари таъминлашлари лозим.

Халқаро анжуманлар саройида 2021-йил 20-август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатамиз тадбиркорлари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқоти - Ватанимиз тарихида илк бор ўтказилган учрашув шакли бўлган. Бу учрашув давлатимизнинг тадбиркорларга муносабатини исботлаш билан бир қаторда кўплаб фуқароларимизнинг қалбида янги мақсадлар, эртанги кунга ишонч ва ишга нисбатан бўлган шижоатини янада оширган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан бугунги кунда маҳалла институтининг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан тизимини шакллантириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг моддий-иқтисодий асосларини мустақкамлаш, маҳалла тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Таъкидлаш керакки, эндиликда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг уч нафар ўринбосари лавозимининг жорий қилиниши маъмурий ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга, аҳоли тинчлигини таъминлашга, профилактика инспектори билан жамоат тузилмаларининг яқиндан ҳамкорлигини йўлга қўйишга ва уни мустақкамлашга хизмат қилади.

Бугунги кун назари билан қарасак, янги Конституциямизда ижтимоий ғамхўрлик соҳасида “давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёти сифатини ошириш чораларини кўради ҳамда давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароит яратади” дея белгилаб қўйилган. Ушбу сатрларнинг амалдаги исботи тариқасида юртимизда нафақат жисмонан соғлом бўлган ишсиз фуқаролар



балки, ишлашга бўлган иштиёқи баланд ногирон шахслар ҳам тадбиркорларимиз томонидан иш билан таъминланмоқда. Мисол тариқасида, Фарғона вилояти Марғилон шаҳар Қашқар маҳалласида жойлашган жорий йил 27-март куни ташкил этилган “Сайфулло асл мато” унитар корхонасини келтиришимиз мумкин. Ушбу корхонага олинадиган ишчиларнинг 50 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этилиши белгиланган бўлиб, бу корхона 5 хил турдаги кийимлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Шунингдек, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”ига киритилган фуқароларимизга давлатимиз томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида такомиллашиб бораётган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими ва унда барча давлат органлари ҳамда уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда, жиноятчиликни жиловлашда, унинг айрим турлари ва уларнинг оқибатларини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, республикамизда бирорта ҳам жиноят содир этилмаган маҳаллалар борки, ушбу маҳалла аҳли асосий қисми ишбилармон, тадбиркор оилалар, ўз касб-ҳунари билан банд бўлган оилалардан ташкил топгандир. Чунки инсон иш билан банд бўлса, ўз рўзғорини ўзи тебрата олса, қорни тўқ ва усти бут бўлса, бирон ҳунар эгаси бўлса бундай шахсдан ёмонлик ва қонунбузарлик чиқмайди. Бу маҳалла аҳли тинч-тотув, аҳил-иноқ яшашидан, шунингдек, ҳудудда профилактика инспекторлари, нуроний отахон ва онахонларимиз, оқсоқоллар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганидан далолат беради.

Ана шундай кексаларимизни профилактика инспекторларининг энг яқин ҳамкори, суянчи, таянчи, десак арзийди. Кези келганда, маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг бир қисмини ички ишлар органларида кўп йиллар хизмат қилиб, нафақага чиққан фахрийларимиз ташкил этишини ҳам фахр билан қайд этиш жоиз.

Жойларда ўтказилаётган профилактик тадбирларда туман-шаҳарлар секторлари раҳбарларининг иштирок этаётгани ҳам айни муддао бўлмоқда. Тадбирлар давомида, айниқса, жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қўл урганларнинг аксариятини ишсиз фуқаролар ташкил этиши ҳисобга олинган ҳолда, сектор раҳбарлари томонидан уларни иш билан таъминлаш чоралари кўрилаётганлиги эътиборлидир.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “Маҳалла халқ билан давлат ўртасидаги кўприк бўлиши керак. Одамларнинг қувонч-у, ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир”.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириш мақсадида “Темир дафтар” тузилган эди. Бу борадаги ишларни янада тизимлаштириш учун туман, шаҳар ва вилоятлар кесимида “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жорий этилди. Ушбу дафтарларга киритилган ҳар бир оилалар билан “Оилабай” ишланса ўз-ўзидан моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадли амалга ошади.

ХУЛОСА



Давлатимиз камбағалликни қисқартириш, маҳаллабай ишлаб, ишсизликни камайтириш, аҳоли даромадларини ошириш бўйича катта марраларни белгилаб олган. Бу борада давлат идоралари ва хизмат кўрсатувчи барча ташкилотлар тадбиркорлар билан ҳар куни яқин ҳамкорликда ишлаб, уларга амалий ёрдам кўрсатиши шартлиги янги қонунчилигимизда белгиланиб бормоқда.

Юқорида келтириб ўтилган фикрларга кўра профилактика инспекторларининг тадбиркорлик оилалар билан ишлаш самарадорлигини оширишда қуйидаги вазифаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- 1) профилактика инспекторлари томонидан тадбиркор оилалар фаолиятидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил қилиш;
- 2) профилактика инспекторлари томонидан тадбиркор оилалар фаолиятидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишга оид статистик маълумотларни таҳлил қилиб бориш;
- 3) камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларни касб хунарга йўналтириш орқали тадбиркорлар учун ишчи кучини ҳосил қилиш.
- 4) тадбиркор оилалар ва улар қўл остидаги ишчилар билан бевосита суҳбатлашган ҳолда уларда мавжуд имкониятлар, юзага келаётган муаммо ва камчиликларни ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўриш. Шунингдек, уларнинг талаб ва таклифларини ўрганиш..